ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

# Ishonch

*Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган*

2006 йил 28 июн, чоршанба № 109 (2158)

***Бугун биз юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият қураётган эканмиз, бу масаланинг энг муҳим шарти бўлмиш инсон қадри, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, одамларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида холисона хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди ва интилишлари билан яшаш, барчамиздан, биринчи галда, оммавий ахборот воситалари вакилларидан бу талаб ва мезонларни кундалик ҳаётимизда изчил жорий этишни тақозо этади.***

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

*Қадрли дўстлар!*

*Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси фидойиларини, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Мана, ўн уч йилдирки, 27 июн санасини юртимизда миллий матбуот куни сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъанага айланиб қолди. Бу байрам нафақат шу соҳа вакиллари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз орзиқиб кутадиган ва хурсандчилик билан нишонлайдиган қутлуғ айёмдир.*

*Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот аҳлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли холис воситачи ва мухолиф сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо изланиб яшайдиган фидойи инсонлар деб билади ва қадрлайди.*

*Албатта, ҳар қандай байрам тантанасида эришилган ютуқлар беихтиёр сарҳисоб этилади, амалга оширилган ишларга танқидий баҳо берилиб, янги-янги режа ва вазифалар белгилаб олинади.*

*Гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва жойларда кенг жамоатчилик иштирокида ўтаётган бугунги учрашувлар сизларнинг ўз касбдошларингиз билан дийдор кўришиб, олдингизда турган мақсад ва муаммоларни муҳокама қилиш, касб маҳоратини ошириш, миллий журналистикамизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида яна бир бор атрофлича фикрлашиб олиш имконини беради, деб ўйлайман.*

*Халқимизга мансуб бўлган азалий одатга кўра, эл-юртга хизмати синггаn, матбуотнинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келган муҳтарам оқсоқолларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бундай анжуманларга алоҳида файз бағишлайди. Айни пайтда бу каби тадбирлар шу кунларга етиб келолмаган устоз журналистларнинг номлари ва хотираси ёд этилиши билан ҳам ибратлидир.*

*Бугунги байрам кунида мен бир масалага алоҳида эътибор беришни истардим. Биз одатда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида, замоннинг ўзи уларнинг олдига қўяётган ўткир талаб ва эҳтиёжлар ҳақида кўп гапирамиз. Аммо, очиғини айтганда, бу соҳанинг меҳнати нақадар машаққатли экани, журналист касбини танлаган кишилардан наинки истеъдод ва билим, балки қатъият ва жасорат талаб қилиниши, таъбир жоиз бўлса, уларнинг нони қаттиқ экани, улар одамларни тинч қолдирмайдиган ташвиш ва муаммолардан холи бўлмасдан юришлари ҳақида, афсуски, камроқ эслаймиз.*

*Шу ўринда барчамизнинг дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман. Ҳозирги кунда халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.*

*Оммавий ахборот воситаларимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган ривожланиш йўлига назар ташлар эканмиз, табиийки, журналистларимизнинг бугунги савияси ва даражасини бундан ўн-ўн беш йил аввалги ҳолат билан мутлақо солиштириб бўлмайди.*

*Кейинги пайтда миллий матбуотимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган компьютер ва ахборот технологиялари, Интернет тизими билан бир қаторда, энг аввало, бу воситаларнинг барчасини жонлантирадиган, уларга маъно-мазмун берадиган, таъсирчанлиги ва самарасини амалда намоён қиладиган асосий куч - журналистлар ва матбуот ходимларимизнинг малакаси ва дунёқараши, тафаккури ва маҳорати бошқалардан кам бўлмайдиган даражага ўсиб бораётганини эътироф этиш адолатдан бўлади.*

*Бугун биз юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият қураётган эканмиз, бу масаланинг энг муҳим шарти бўлмиш инсон қадри, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, одамларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида холисона хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди ва интилишлари билан яшаш, барчамиздан, биринчи галда, оммавий ахборот воситалари вакилларидан бу талаб ва мезонларни кундалик ҳаётимизда изчил жорий этишни тақозо этади.*

*Матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифаларни адо этишда бугун бу борада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлаш, соҳа ривожи учун зарур бўлган ислоҳотларни амалга ошириш, матбуот аҳлининг масъулиятли меҳнатини қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам давлатимиз, ҳукуматимиз эътибор марказида бўлиши табиий, албатта.*

*Ўз ҳаётини матбуот соҳасига бағишлаган сиз, азизларга менинг эзгу тилагим шуки, аввало, хонадонларингиздан тинчлик-тотувлик, файзу барака аримасин, ижодий ютуқларингиз, мухлис ва муштарийларингиз янада кўпайсин.*

*Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

***Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда оммавий ахборот воситалари фахрийлари, журналистлар, нашриёт ва матбаа ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.***

# МИЛЛИЙ МАТБУОТ РИВОЖИГА ЭЪТИБОР



Президентимиз Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда миллий матбуотимиз ривожи, жамоатчилик фикрини ифодаловчи чинакам эркин минбарга айланиши йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидланди. Жамиятни демократлаштириш ва халқимизнинг сиёсий фаоллигини оширишда, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлашда матбуотнинг ўрни катта эканлиги қайд этилди.

Юртимиздаги энг йирик олий ўқув юртлари - Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида малакали журналист кадрлар тайёрланаётир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Миллий университет қошида икки йиллик Олий журналистика курси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг ташкил этилиши миллий матбуотимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Мамлакатимизда матбуот, телевидение ва радио фаолиятини янада либераллаштириш, мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, журналист кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ бугунги глобаллашув, мафкуравий курашлар, ахборот хуружлари кучайган давр миллий манфаатларимизни нафақат сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан, балки информацион хавфсизлик нуқтаи назаридан қатъият билан ҳимоя қилишни талаб этмоқда. Бу эса соҳа ходимлари зиммасига улкан масъулият юклаши баробарида атрофдаги воқеаларга янгича тафаккур, теран нигоҳ билан қарашни тақозо қилади.

Йиғилишда «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолиблари ҳамда спортни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишда фаоллик кўрсатган журналистларга дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, А.Орипов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Ахборот*

## АНЖУМАН

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV Қурултойи қарорлари, унда билдирилган танқидий фикрлар ва мулоҳазалар юзасидан тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши раиси О.Муҳитдинованинг маърузасини тингладилар.

Семинарда иштирок этган вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаш раислари, бош ҳисобчилари, ташкилий бўлим мудирлари ва касаба уюшма фаоллари касаба уюшма ташкилотларининг молиявий фаолияти, касаба уюшма бюджети, сметаларини тузиш, маблағларни ва мулкларни шакллантириш, уларни бошқариш каби бир қатор долзарб мавзуларда баҳс-мунозара олиб бордилар.

## «МЕҲРИБОНЛИК УЙИ» ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ

### мириқиб ҳордиқ чиқаришяпти

Қорақалпоғистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта ҳозирлик билан келди.

— Элликқалъа туманидаги «Орол болалари», Тўрткўл туманидаги «Лочин» ҳамда Нукус шаҳридаги «Ёш авлод» оромгоҳларида 1220 нафар фарзандларимиз мириқиб ҳордиқ чиқарадилар, — дейди республика кенгашининг бўлим мудири З. Есенбоев, — шулардан 120 нафари «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари, 250 нафари эса кам таъминланган оилаларнинг болалари.

Болаларнинг оромгоҳларда мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Шу жумладан, тоза ичимлик суви, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари пешма-пеш етказиб берилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ мустақилликнинг ўн бешинчи йилида

***Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Мен аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор бераётганимизни ҳам алоҳида таъкидламоқчиман» деган эдилар. Бундан кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбари кучли фуқаролик жамиятини қуришдек эзгу ишда жамоат ташкилотларига катта ишонч билдирмоқда.***

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Шундай юксак ишончга сазовор бўлиш, қўйилаётган вазифаларни шараф билан адо этишга интилиш истаги вилоятимиз касаба уюшма ташкилотларининг асосий мақсадига айланган. Чунки касаба уюшмамиз меҳнаткаш оммага яқин бўлиб, улар билан бевосита алоқада. Шу маънода касаба уюшмаларининг фаолияти ҳам жамиятда юз бераётган ўзгаришларга мос равишда янгиланиб, ҳаётдаги мавқеи ва ўрни янада мустаҳкамланмоқда.

Вилоятимизда ҳозирги кунда ташкилотларнинг асосий қисми нодавлат секторида фаолият кўрсатади. Иқтисодиётда ушбу субъектлар мавқеининг ошиб бориши, фермер хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари, қўшма ва кичик корхоналар, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан вилоят касаба уюшма ташкилотларининг асосий эътибори иш берувчи ва ёлланма ходимнинг меҳнатга оид муносабатлари ҳамда манфаатларини ижтимоий шерикчилик тамойили асосида мувофиқлаштириш масаласига қаратилган. Бу эса ўз навбатида тармоқ келишув ва битимлари ҳамда жамоа шартномаларининг мазмунига янгича ёндошишни тақозо этади.

Бугунги кунда касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳисобида турган 11 минг 984 та юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналарнинг асосий қисмида жамоа шартномалари, 1 та вилоят миқёсидаги ҳудудий, 14 та тармоқ келишувлари, 25 та туман миқёсидаги ҳудудий тармоқ битимлари тузилган. Улар орқали ходимларнинг бандлик, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасига оид ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатлари қамраб олинган.

Тузилган жамоа шартномаларининг деярли барчасида ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг албатта розилигини олиш талаби киритилган. Корхоналарда асосий меҳнат таътилларининг энг кам миқдори 18-21 кун қилиб белгиланган. Ноқулай, оғир ва соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларга қўшимча таътиллар ўрнатилишига эришилди. Ўтган йилда жамоа шартномалари орқали имтиёзли равишда 879 нафар ходим вилоят, республика тиббиёт муассасаларида, дам олиш уйларида соғломлаштирилди.

Жорий йилда эса 300 нафар ходим соғломлаштирилди. Шундан 10 фоизига, яъни 30 нафарига бепул йўлланма берилган. Вилоятдаги кўплаб корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари орқали меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори республикамизда белгиланганига нисбатан оширилди.

Лекин афсуски, вилоятдаги касаба уюшма қўмиталарининг барчасида ҳам жамоа шартномалари тузиш, уни бажарилишини назорат қилишдаги фаолиятлари мақтовга арзигулик эмас. Ушбу ҳужжатлар номигагина, хўжакўрсинга тузилаётган корхона ва муассасалар ҳалиям анчагина. Баъзи тармоқларда касаба уюшма аъзоларини жамоа шартномалари билан тўлиқ қамраб олишга эришилмаяпти.

Маълумки, касаба уюшмаларининг Ҳаракат дастуридаги устувор вазифалардан бири меҳнатга ҳақ тўлашдир. Ўтган давр мобайнида бу борада бир мунча ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича намунавий Ҳаракат тартиби жойларга етказилиб, амалда қўлланилмоқда. Доимий равишда иш берувчилар томонидан иш ҳақи тўловларини кечиктирганлиги учун корхона раҳбарлари масъулиятини ошириш, кечиктирилган ҳар бир кун учун товон тўлаш ва бошқа имтиёзларни тармоқ ҳудудий келишувлари ва жамоа шартномаларига киритишга эришилди. Хўжалик бирлашмалари раҳбарлари масъулиятини янада ошириш мақсадида улар билан биргаликда қўшма қарорлар қабул қилинган. Доимий равишда иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш борасида иш берувчилар олдига расмий талабномалар қўйиш, зарур бўлганда маҳаллий ижро этувчи органлар, прокуратура ва фуқаролик судларига мурожаатлар киритилишига эришилмоқда.

Вилоятда янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам тадбирлар ишлаб чиқилди. «Янги иш ўринлари яратиш тўғрисида»ги дастур асосида меҳнат ярмаркалари ҳамда бир маротабалик иш билан таъминлаш марказлари ташкил этилиб, доимий равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу борадаги тадбирлар натижасида 2005 йилда 26 минг 820 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

**(Давоми 2-бетда)**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## ТАДБИРКОРЛИК ЙЎЛИ — КЕНГ

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Юридик шахсларнинг қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиги тўғрисида»ги, «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги қонунларга қуйидаги мазмундаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда:

а)тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий санкция қўллаш ваколатини судга ўтказишга қаратилган (тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлиш ва молиявий санкция жарималарни ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно);

б)молиявий жарималар миқдорларини камайтиришга қаратилган;

в)айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни тадбиркорлик субъектлари бўлган юридик шахслардан уларнинг мансабдор шахслари зиммасига ўтказишга қаратилган;

г)тадбиркорлик субъектларидан охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кунидан бошлаб олти ой давомида ундириладиган суммани ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилишига қаратилган;

д)тадбиркорлик субъекти томонидан ортиқча тўланган қарздорлик суммасига пеня ҳисобланмаслиги ҳамда пеня миқдори тадбиркорлик субъектининг тегишли солиқ ва йиғимлар бўйича қарздорлиги суммасидан ортиқ бўлишига йўл қўймаслигига қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар шулар жумласидандир.

## ҲАР БИР ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЎЗИГА ХОС ЖАВОБГАРЛИК

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси (қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини киритиш (215-2-модда). «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасида қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун молиявий жарималар шаклидаги жавобгарлик чоралари қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг айрим турлари учунгина қолдирилмоқда. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг айрим турлари учун жавобгарлик, ҳуқуқбузарлик натижасида зарар етказилган ёки етказилмаганлигига қараб, мансабдор шахслар ёки жисмоний шахслар зиммасига юкланмоқда. Божхона қонунчилиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барча турлари учун бир хил жавобгарлик чораларини назарда тутувчи 227-модда чиқариб ташланиб, унинг ўрнига Кодекснинг қатор моддалари билан божхона соҳасидаги ҳар бир ҳуқуқбузарлик таркиблари алоҳида-алоҳида кўрсатилмоқда ва уларнинг моҳияти ва оқибатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари белгилашни назарда тутувчи моддалар киритилмоқда. Ушбу божхона соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик таркиблари Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодексидан чиқарилган ҳолда бир вақтнинг ўзида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига олиб ўтказилмоқда.

## МОЛИЯВИЙ ЖАРИМАЛАР МЎЪТАДИЛЛАШАДИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ва Божхона Кодексларига

а) солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларнинг бюджетга кам тушишига олиб келадиган ҳуқуқбузарликлар учун фақат қўшимча ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасига пеня ҳисоблаш шаклидаги молиявий жарима қўлланиши (кирим қилинмаган товарлар сақланган ёхуд реализация қилинган товарлар (хизматлар, ишлар) учун олинган пул тушумини яширилган (камайтирилган) ҳоллар бундан мустасно);

б)солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида шубҳалар, зиддиятлар ва ноаниқликлар топилган тақдирда, тадбиркорлик субъектлари фойдасига талқин қилиниши тўғрисида;

в)тадбиркорлик субъектлари томонидан судга даъво аризаси берилганда солиқ органлари томонидан ўтказилган текширув далолатномаси юзасидан шикоят қилинаётган қарор ижросини ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва пеня суммаси миқдорида тўхтатиб турилишини назарда тутувчи;

г)тадбиркорлик субъектлари бўлган юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар қўллашни фақат суд тартибида амалга ошириш (солиқ ва йиғимларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлик учун пеня қўшиш, шунингдек, тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно), молиявий жарималарни мажбурий ундириш, тадбиркорлик субъектларидан ҳуқуқбузарлик предметларини мусодара қилиш, божхона органлари томонидан бериладиган лицензияларнинг амал қилиш муддатини 10 иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш, уларни бекор қилиш ва амал қилишини тугатиш чораларини фақат суд томонидан амалга оширилишини белгилаш. Бундан ташқари, молиявий жарималар билан боғлиқ ўзгартиришлар солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлик учун молиявий жарималар миқдорларини камайтириш, шу жумладан тўловлар тўлаш муддатидан ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун ҳисобланадиган пеня миқдорини 0,07 фоиздан 0,05 фоизга камайтириш, айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслардан уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юклашни назарда тутиш;

д)материаллар судга топширилган кундан бошлаб бир ой мобайнида тадбиркорлик субъекти солиқ ва йиғимларни тўламаганлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан пеняни тўлаган ҳолларда тадбиркорлик субъекти молиявий жарималардан озод қилиниши;

е)тадбиркорлик субъектининг сўнгги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами 20 фоизидан ошиб кетувчи қўшимча ҳисобланган солиқлар, йиғимлар, мажбурий тўловлар ва молиявий жарималарни ундириб олиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида ундириладиган суммани ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш орқали амалга ошириш;

ё)юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан божхона қонунчилигини бузганлик учун қонунда назарда тутилган жарималар (иқтисодий санкциялар), агар ушбу қонунбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик чоралари назарда тутилмаган бўлса қўлланилиши кабиларни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартириш киритилмоқда.

**Довуд МАДИЕВ,**
**«Ишонч»нинг Парламентдаги мухбири**

*Ташаббус*

**Баъзан одамлар орасида «Китоб ўқувчилар камайиб кетяпти, биз олдинлари китобга қанчалик ўч эдик. Ҳозирги ёшлар фақат телевизор кўришади" деган таъна-дашномларни эшитиб қоламиз. Шу гапда жон борми?**

# ҚУТУБХОНА

## шанбада ҳам очиқ

— Бу фикрда унчалик асос йўқ, деб ўйлайман, - дейди Наманган вилояти электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти қошидаги кутубхона мудираси Фотимахон Шарофиддинова. — Мана ўзингиз кўринг, кутубхонамиз олдингидан ҳам гавжум.

Дарҳақиқат, жамиятнинг ҳашаматли биносида жойлашган кутубхонани кўриб беихтиёр ҳавасингиз келади. Китоб сақлаш учун махсус ясалган жавонлардаги китобларга ғубор қўнмаган. Бир тарафда эса ўттиздан ортиқ турдаги газета тахламлари.

— Беш кунлик иш ҳафтасига ўтилгач, бу нарсани менга ҳам жорий этишди, — дейди опахон. — Икки марта бу имтиёздан фойдалангач, ўз ташаббусим билан яна шанба куни ҳам ишлашга қайтдим. Негаки, ўқувчиларим менга эътироз билдириб, "Опахон, биз бўш кунимиздан фойдаланиб китоб олишга ёки газета-журналларнинг янги сонларини ўқишга келсак, сиз йўқ бўляпсиз. Вилоят марказий кутубхонасига боришга мажбур бўляпмиз", дейишди. Шундан сўнг бу имтиёздан воз кечдим. Ҳозир шанба кунлари ҳам ишлаяпман. — Китобхонларимни кўрсам, улар билан мулоқотда бўлсам, ўзим ҳам дам олгандек бўламан.

— Фотима опамиз кутубхоначилик учун туғилган, — суҳбатга қўшилади тармоқ касаба уюшмалари Наманган вилояти қўмитасининг раиси Бекмурод Тожибоев. — Уйидан ҳам ишхонасини кўпроқ яхши кўради, десам ишонмагандингиз! Ҳақиқатан опамиз ўз ташаббуслари билан шанбани иш кунига айлантирганлар.

Китоблар, газета-журналлар билан танишамиз. Бадиий китобларга қараганда илмий-техник адабиётлар кўплиги эътиборимизни тортади.

— Бу нарса табиий ҳол, — саволимизга ҳамроҳимиз Б.Тожибоев жавоб қайтаради. — Негаки китобхонларнинг кўпчилиги мутахассислар, соҳа одамлари. Уларнинг асосий қисми техник ва илмий адабиётлардан кўп фойдаланишади, иш фаолиятлари давомида ўзларини қизиқтирган ва зарурати туғилган саволларга махсус китоблардан жавоб излашади.

Ҳақиқатан китобхонлар сони, улар ўқиган асарлари билан танишиб кўрганимизда оддий монтёрлар Бахтиёр Аҳмадбоев, Юнусали Арабовлар бадиий китобларни кўпроқ ўқишган бўлса, мутахассислардан Маъмуржон Тўйчиев, Юнусхон Ҳамидов, Шерзод Турдиалиев ва Вали Боқиевлар асосан илмий-техник адабиётларни олишган экан.

— Одамлар китобга қизиқмай қўйишдимикан деган мулоҳаза унчалик тўғри эмас, — дейди мулоқотимиз давомида қўмита раиси Б.Тожибоев. — Айрим ходимларимиз йил давомида 40-50 тадан китоб олишган. Демак, китоб ўқиляпти...

Дарвоқе, китоб захираси тобора ортиб бормоқда. Шу кунда мавжуд китоблар сони аллақачон етти минг нусхадан ошган, улардан 2979 нусхасини илмий-техник адабиётлар ташкил этган бўлса, қолганлари кўпчилик севиб ўқийдиган бадиий асарлар.

— Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси китоб захирамизни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда, — дейди Фотима Шарофиддинова. — Масалан, ўтган йилда ўз муддатини ўтаб бўлган, маънавий эскирган китоблар ўрнига 400 та китоб сотиб олиб берилган бўлса, амалдаги йилнинг биринчи чорагидаёқ 300 нусхадан ортиқ янги асарлар кутубхонамизга совға қилинди. Бундан ташқари, 26 турдаги газета ва журналга обуна таъминланди.

Мақоламизга нуқта қўйишдан илгари битта эътирозимизни билдиришни лозим топдик. Вилоят электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти биноси Наманган шаҳридаги баланд иморат ҳисобланади. Кутубхона эса унинг энг юқори — тўққизинчи қаватида жойлашган.

— Агар кутубхонамиз сал қуйироқда ўрнашганда эди, ўқувчиларимиз сони янада ортган бўлур эди, — дейди Ф.Шарофиддинова. — Ёши улуғроқ китобхонларга ноқулайлик туғдирмоқда.

Ўйлаймизки, бу масала ҳам тез орада ечимини топади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири**

*Тараддуд*



# ЯНГИЛАНАЁТГАН МАРҒИЛОН

Моҳир уста ва ҳунармандлари билан машҳур Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик кўриш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Марғилон - Олтиариқ катта автомобил йўли ёқасида қад кўтараётган Марғилон тиббиёт коллежи бунёдкорлик ишларининг асосини ташкил этади.

Эътиборли жиҳати, ушбу ўқув маскани вилоятдаги бошқа коллежлардан нафақат ташқи кўриниши, балки шу ернинг ўзида ўқув лаборатория поликлиникасининг мавжудлиги билан ҳам ажралиб туради. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг назарий ва амалий билимларини уйғун равишда мустаҳкамлаш имконини беради. Бундан ташқари, айни кунларда шаҳарнинг элликта худудида бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, шаҳарнинг кўча ва хиёбонлари кенгайтирилмоқда. Мустақиллик ва Бурхониддин Марғиноний шоҳ кўчаларини кенгайтириш, гулзорлар барпо этиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Шунингдек, ўзига хос қулайликларга эга бўлган «Ёшлар хиёбони», 940 ўринли янги мактаб биноси қад ростламоқда.

Марғилоннинг «Пирсиддиқ», «Узун ҳовуз», «Ҳазрат чиллахонаси» каби масжид ҳамда мажмуаларини тўлиқ таъмирдан чиқариш ишлари бошлаб юборилган. Бундан ташқари, шаҳар марказий кутубхонаси биносини барпо этиш ва эски музей негизида «Марғилон шаҳар тарихи, адабиёти ва санъати музейи»ни ташкил этиш борасида амалий ишлар бошлаб юборилган.

Бир сўз билан айтганда, Марғилонда аллақачон катта ва қутлуғ тўйга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Насиб этса, абадий шаҳар Марғилон яқин вақт ичида дунёни лол қолдирадиган даражадаги ўз гўзаллигини кўз-кўз этади.

**Суратларда: Бурхониддин Марғиноний мажмуасининг кўриниши; франциялик сайёҳлар Марғилонда.**

**М ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**



*Бўлган воқеа*

# ЖАНЖАЛ

Улар бир йилгина бирга яшашди, қўғирчоқдек фарзанд кўришди. Аммо кўнгиллари дарз кетган, рўзғоридан файз учган эди.

— Бу нима?
— Ошқовоқ.
— Ким берди?
— Онанг.
— Унчалик ерга урма.
— О, ғурурлариям борми?
— Жанжал қилаверсанг, ажраламиз.
— Ажралсак, ажралаверамиз, қани талоқ қил!
— Ман ундоғ демайман. Навбатчилик баҳона, ўзинг кечаси билан ишхонангда қолиб кетасан, индамайман. Бирортасини топган бўлсанг керак-да.
— Ха, топганман. Ажаб қиламан.
— Бола ҳам мандан эмасдир.
— Сендан эмас.
— Шундайми?
— Шундай!
— Мана шу пичоқ билан ўлдираман.
— Майли ўлдирсанг ўлдир. Тўйиб кетдим.
— Ўлдираман.
— Ўлдир, қани ўлдир.
— Ўлдираман.
— Эй, ўлдир — эй, қутуламан.
— Мана, мана, мана...
— ...
— Шу орада қайси бири гапдан қолганда, қотиллик юз бермасди.
— Онам мани боққанди, саниям боқадими?
— Ўзлари бериб юборди.
— Бор, қайтариб элтиб бер.
— Қандай олиб бораман, нима дейман.
— Ман билмайман, ўзингнинг онанг бир нима бермайди.
— Укаларим кўпчилик, орттиролмайдилар.
— Орттиролмаса, нима қиларди эшигимга одам юбориб, қанча-қанча бойваччаларнинг совчисини қайтарганман. Пешонам шўр экан ўзи.
— Йиғлама!
— Нима қилай, сандай қуримсоққа тегаманми?
— Иш топилса...
— Ҳаммага топилган иш санга қолганда топилмайди. Эр эмас қаро ерсан...

**Довуд МАХДИЙ**

**ИБН СИНО ДЕЙДИКИ...**

Беҳи чанқоқни босади, чиқиндиларни қабул қиладиган меъдани кучайтиради. Унинг уруғи эса томоқ қирилишида фойда қилади ва ўпка найини юмшатади.

* * *

Беҳининг сиқиб олинган суви астмада фойдалидир. У қон туфлашни ҳам тўхтатади. Беҳи терни тўхтатади. Унинг ёғи совуқдан ёрилганда фойда қилади.

* * *

Агар беҳини овқатдан кейин ейилса, ични суради. Кўпроқ ейилса, овқатни ҳазм бўлишидан олдин чиқариб юборади.

* * *

Беҳининг кўмиб пиширилгани кўздаги иссиқ шишларга қўйилади.

**Г.ҚУЛМАТОВА тайёрлади**

# НОН — ШИФОБАХШ

**Қайси хилдаги нон бўлмасин, уни кўп еган одам кўп ҳаракатланиши, жисмоний ҳаракат қилиши зарурдир.**

**Боқи-беғамлик билан кўп нон еган одам ортиқча семириб кетади, юрагини ёғ босади. Нон ва бошқа хамир овқатлардан сомса, чучвара, норин, лағмон каби таомлар серҳаракат, чаққон одамлар учун жуда фойдалидир.**

* * *

*Хамири сутга қорилган нон барча касалликлар учун парҳез ўрнига ўтади. Бироқ, ортиқча тўйиб емай, оз-оз тамадди қилингани фойдалироқдир.*

* * *

**Милклар қочиб, тишлар бўшаша бошласа, қаттиқ нонни чайнаш керак.**

* * *

*Фасадли ярага қаттиқ нон билан бирга қўй ёғидан олинган жиззани янчиб қўйилса, фойда қилади.*

* * *

**Сариқ касалга чалинган одам анор шарбати ботирилган қаттиқ нон ейиши лозим.**

**Шаҳина ЖЎРАЕВА**

*Жорий йилда ҳам аввалгиларигидек, болаларнинг ёзги таътилини намунали ташкил этиш, хусусан, ёзги соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Йил бошидан жойлардаги аксарият оромгоҳлар қайта таъмирланиб, барча шарт-шароитлар яратилди. Шунингдек, фарзандларнинг оромгоҳларга бориб-келиши, озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ масалалар мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида, шартнома асосида йўлга қўйилди. Бу соҳада Жиззах, Андижон, Наманган ва бошқа вилоятларда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Ҳадемай, мавсумнинг биринчи босқичи тугаб, дам олувчилар ота-онаси бағрига қайтади.*

# ОЗГИНА ЭЪТИБОР ВА ЯНА ОЗГИНА МАСЪУЛИЯТ БЎЛСА...

Ихтисослаштирилган дам олиш масканлари қаторида мактаблар қошида ташкил этиладиган оромгоҳлар ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Шундай бўлса-да, пойтахт вилоятининг Оққўрғон туманида бу соҳада қилинаётган ишларни кўрган киши «қуруқ савлат кимга керак», деган хулосага келиши аниқ. Масалан, мутасаддилар ташаббуси билан халқ таълими бўлими тасарруфидаги 4,11,16,17-мактаблар ва касб-ҳунар коллежи қошида оромгоҳлар очилиши ҳамда меҳнаткашларнинг бир неча юз нафар фарзандлари мавсум давомида дам олиши режалаштирилган эди.

Нафсиламбирини айтганда, дастлаб мактаблар қошидаги оромгоҳларни тайёрлашга жиддий киришилди. Жой тайёрланиб, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш масаласи бўйича туман ҳокимининг фармойиши ҳам қабул қилинди. Унга кўра, Охунбобоев номли ширкат хўжалигида жойлашган 17-мактаб қошидаги оромгоҳга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш учун 1.320 минг сўмлик маблағ ажратиш, Султонобод фермер хўжаликларидан худди шу соҳа учун 17 та фермер, А. Икромов номли фермер хўжалигидан 16 та фермер, «Гулистон» фермер хўжаликларидан 18 та фермер, корхона ва ташкилотлар ҳамда барча қишлоқ фуқаро йиғинлари туман халқ таълими бўлими билан шартнома тузиб, ҳомийлик анъаналарини шакллантиришга келишиб олинди.

Афсуски, бу келишувлар ҳозирча фақат қоғозлардагина қайд этилиб, савлат тўкиб

*Луқма*

турибди. Амалда эса, ҳеч иш қилингани йўқ. Бир мисол. Мавжуд шарт-шароитларнинг вақтида яратилмагани ва унга пухта ҳозирлик кўрилмаганидан мактаблар қошидаги оромгоҳлар 13 июндан эмас, икки кун кечикиб, яъни 15 июндан иш бошлади. Асосий дам олувчилар кам таъминланган оилалар фарзандлари эди. Мутасаддиларнинг бепарволиги ва масъулиятсизлиги оқибатида кундалик таъминот ҳанузгача тўла шаклланмаган. Режа бўйича нонуштада шакарли чой, манни каша, тушликда гўштли овқат ва бошқа маҳсулотлардан тайёрланган тансиқ таомлар берилиши керак эди. Бироқ заҳирада на шакар, на гўшт, на гуруч бор.

4-мактаб қошидаги оромгоҳ бошлиғи Мавлуда Қурбонованинг таъкидлашича, айни пайтда бу ерда меҳнаткашларнинг 75 нафар фарзандлари дам олишмоқда. Ҳар бир бола ўртача бир кунда уч маҳал 1100 сўмлик овқатланиши лозим. Бунинг учун «Гулистон» фермер хўжалигидаги 22 та фермердан 1.320 минг сўм ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши керак эди. Лекин шартнома ижросидан дарак йўқ.

Ана шу ҳолатни бошқа оромгоҳларда ҳам кузатиш мумкин. Бирида пахта ёғи етишмаса, бошқасида сосиска ёки сариёғ йўқ. Мавсум эса кутиб турмайди. Туман халқ таълими бўлими режасига кўра бу жойларда икки сменада жами 300 нафардан зиёд болажонлар соғломлаштирилиши назарда тутилган. Оромгоҳлардаги бу вазият маълумот тариқасида тумандаги масъул ўртоқларга ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда етказилган.

Халқимизда қоғоздан — иморат, ваъдадан — иш битмайди, деган гап бор. Биз эса, ваъда ижроси билан гўзал бўлишига умид қилиб ушбуларни газетада эълон қилмоқдамиз.

**Тиллабек МИРЗАҲМЕДОВ, меҳнат фахрийси, ўқитувчи**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Жиззах вилояти кенгаши раиси ўринбосари-ташкилий ишлар бўлими мудири Ўсар Одиловга рафиқаси

**МУЯССАР** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


## АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

## МАЛАКАЛИ БИЛИМ ВА ҲУНАР ЭГАЛЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ?! УНДА ШОШИЛИНГ!!!

# ТОШКЕНТ АГРО ТИЖОРАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

## 9-СИНФ ҲАЖМИДА 2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ,

**СИЗ БУ ЕРДА:**

*Молия*
*Бухгалтерия ҳисоби ва аудит*
*Ўсимликшунослик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш*
*Менежмент*
*Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига дастлабки ишлов бериш ва сақлаш технологияси*
*Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш*
*Агрономия*
*Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (В ва С тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади)*
*Давлат кадастри*
*Ветеринария*
*Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаштириш метрологияси ва сертификатлаштириш*
*Ер тузиш ва ер кадастри*
*Чорвачилик бўйича фермер хўжаликларини ташкил этиш*

**КОЛЛЕЖ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ КРЕДИТИ ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА ТЎЛИҚ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН.**

**АРИЗАЛАР 2006 ЙИЛ 20 ИЮНДАН 1 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**

*ТОПШИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ:*



**Ариза**
3х4 ҳажмдаги 4 дона расм
086-У тиббий маълумотнома ва эмланганлиги тўғрисида маълумотнома
9-синф шаҳодатномаси
Доимий яшаш жойидан маълумотнома (маҳалла фуқаролар йиғинидан) паспорт ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

***Манзилгоҳимиз:***

**Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, «Ўриксор» даҳаси, Халқа йўли 9-уй. Чилонзор метро бекатидан: 125, 33, 182 автобуслар. Чорсу савдо марказидан: 147, 73 автобуслар. Пахтакор метро бекатидан: 53 автобус, 24 маршрут. Беруний метро бекатидан: 31, 121 автобуслар. Коллеж бекати. Мўлжал «Ўриксор даҳаси», «Карвон бозори» Тел: 397-51-56, 397-47-58, 397-58-30, Факс: 397-51-56 E-mail: agrotijorat@rambler.ru**



**Ishonch**

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 14.908 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 814

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб -А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Р.Аҳмадалиев
Мусаҳҳиҳ - Д.Комолов
Навбатчи - Ю.Очилдиев

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 22.40